

Qishloq HAYOTI


O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№4 (6.685). Sotuvda erkin narxda



- Пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва вилоятдан ҳаж зиёратига отланган ҳамюртларимиз билан Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси каби мутасадди ташкилотлар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.
- Нукусда ёш мусавирлар ўртасида «Сув ва болалар» мавзусидаги танлов якунланди.
- Конидах туманидаги «Чордара» ширкат хўжалиги ҳудудига тоза ичимлик суви етиб келди. Конидах-Чордара оралигидаги уч километрлик масофага қисқа вақт ичида қувур ётқизилди.
- Тошкент темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги «Экосан» саломатлик ва мурувват поезди жўнатилди. Унда ўттиз миллион сўмдан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дезинфекция воситалари, болалар учун спорт кийимлари ва бошқа истеъмол моллари бор.
- Андижон вилояти Меҳрибонлик ва саломатлик жамғармаси қошида мўъттабар ёшдаги қарияларнинг саломатлиги муаммолари билан шуғулланувчи «Гериятрия» илмий - амалий маркази очилди.
- Андижондаги Олимпия заҳиралари спорт коллежининг ўқувчилари Нодир Алимов, Анна Шекочихина ва Зинаида Петросоваларга «Ўзбекистон республикаси спорт устаси» нишонлари топширилди.
- Бухоро вилояти Бизнес марказининг доимий кўргазмасида Хиндустоннинг «Сервер импекс» компанияси технологиялари намойиш этилди.
- Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида баскетбол бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда баскетболчиларимиз Россиянинг «Саха-Якутия», Қозғистоннинг «ЦСКА» ва Қирғизистон миллий терма жамоасини енгиб, голибликни қўлга киритди.



МЕХР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

Меҳр – қуёшдай тафтли. Она табиат, наботот дунёси қуёш нурисиз яшай олмаганидек инсон меҳрсиз яшай олмайди.

Одам боласи кимлигидан, қайси ёшда, қайси касбдалигидан қатъий назар бир-биридан меҳр-мурувват қутуби, яхши сўз эшитиш илминда яшайди. Кўнгил кўнгилдан сув ичади, деганлари балки шудир. Меҳр-оқибат инсон руҳини кўтариб тургучи устун, оламдаги жамки зегуликларнинг онаси – деб очаси.

Мухтарам Президентимиз 2004 йили – Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганлари бежиз эмас, албатта. Меҳр-мурувват одам боласига зеб-зийнат берадиган, илмга, унинг касбу-қорига, обрў-эътиборига ривож берадиган энг муқаддас туйғу. Инсон меҳри тошни эритишга қодир. Яхши инсонлар бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатиб яшашининг асл боиси ҳам шунда.

Водий қишлоқларини оралаб юриб, Рамазон ҳайити арафасида «Найманча»-га бориб қолдик. Хўжалик раҳбари, Анваржон Мирсодиқовни йўқлаб хонасига кирдик. Тўғриси, хонадаги қакир-қукурлар кишини ҳайратлантиради. Кенг, мўл хонанинг ҳамма ери қалпайган елимхалталар билан тўлиб кетган эди.

– Тинчликми ўзи? – деб сўрадик хона соҳибидан.

– Тинчлик, хурсандчилик! – деди одатий хуш кайфиятда Анваржон ака. – Хўжалигимиз худудидидаги қишлоқларда юзга яқин уруш ва меҳнат ногиронлари бор, яна шунча «Найманча»ни «Найманча» қилган меҳнат фахрийларимиз бор...

Секин суриштирсам, эллика яқин одамимиз турли шифохоналарда даволанишга япти экан. Фаолларимиз билан бирма-бир юриб, шуларни ҳайит байрами билан табриклар кўймоқчимиз.

Гап совғада эмас, озгина бўлса-да, меҳрда, эътиборда. Демак, ҳайит кунини «Найманча» қишлоқларидаги икки-уч юз хонадонга яхшилик кириб боради. Бир вақтлар эл тинчлиги, фаровонлигини деб меҳнат қилган, бугунга келиб кексалик гаштини сураётган ўнлаб отахону онахонлар дуога қўл очадилар. Тўшаққа миклибди, яратгандан шифо тилаб ётган ўнлаб хаста жонларнинг кўнгида ч и р о қ ё н а д и.

НИГОҲ Кўннинг кўл, дейдилар. Меҳр берган меҳр олади.

«Найманча» хўжалиги нафақат Дангаранинг, балки Фарғона вилоятининг энг пешқадам жамоаларидан бирига айланган.

Қарс икки қўлдан чиқади, демокчи бу муваффақиятлар замирида инсоннинг бири-бирига меҳри-муруввати ётибди. Эътибор беринг-а, қайсики жамоа ўзига меҳр-муҳаббат билан қараётганини сезса, заррача бўлса-да, эътиборни пайкаса, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлайди. Соатлар билан ҳисоблашмай меҳр билан ишлайди. Ҳам, жамоаси ҳам, раҳбари ҳам бирдек барақа топади.

Инсон деган номни қўз қорачида тутадиган бағри кенг, одамшаванда, меҳрибон одамлар ишлаётган жамоаларда меҳр меҳрга доялик қилади. Яхшилик яхшиликнинг ортидан эргашиб юра-

ди. Эгу амаллар бор жозибаси, турфараңлари билан буй кўрсатади.

Аммо... Яшириб нима қиламиз. Ўз ташкилотда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан фахрийлар ҳолидан ой ўтиб, йил ўтиб, бир бора «ҳалинг нечүк?» деб ҳамбар олишга ярамайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шифхонада ётган беморни йўқлаб қўйишга, бир оғиз сўздан иборат далдаси, ширин сўзини дариг тутадиганлар ҳам ҳали орамизда бор. Маҳалласида, қишлоғида нечта уруш ва меҳнат фахрийси бор, қайсиниси қай аҳволда яшайди, шароити қандайлигини билмайдиган, билишни ҳам истамайдиган кишилар ҳам борлиги рост гап. Қайсики, жамоада меҳр-оқибат йўқ экан, ўша ерда ишда унум йўқ, файз-барақа ҳам бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Одам кексайганда, боши ёстиққа текканда кўнгли айниқса нозиклашиб, бир оғиз ширин сўзга, бошқача айтганда, меҳр-мурувватга зор бўлиб қолади. Ана шундай пайтда ўзининг бир вақтлар бирга ишлаган раҳбарни ёки ҳамкасбининг остона хатлаб кириб келиши, хол-аҳвол сўраши кўнглини тоғдек кўтаради. Вужудда ўзгача куч-қувват сузади. Ҳаётга, яшашга иштиёқи ортади.

Инсон кўнгли гуддан нозик, қилдан ингичка, деб бежиз айтмайдилар. Шундай экан, 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили бир-биримиздан яхши сўзимизни, меҳр-мурувватимизни аямайдиган йил бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ортиқали НОМЗОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ - ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Мамлакатимиз Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик - элнинг тинчлиги ва осойишталигидир. Шу боис, бебаҳо бойлигимиз - юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш давлатимиз сибсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Халқимизнинг тинч, осуда ҳаётини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита муҳим ўрин тутаяди. У замонавий қуроласлаҳа ва алоқа воситалари, техника билан таъминланган кўп сонли жанговар қўшиндир.

Хизматини чегара қўшинлари сафида ўтаётган ҳарбийларнинг нафақат соғлом, жисмонан бақувват, балки замонавий ҳарбий техникани бошқаришни пухта ўзлаштириши ва маънавий етуқлиги кўмита раҳбариятининг доимий эътиборида. Булар эса чегара қўшинларида олиб борилаётган ислохотларнинг асл моҳиятини ташкил этаётди.

Шу боис ҳарбий қўшмлар шахсий таркиби ўртасида тарбиявий, ҳуқуқий, маърифий ва маданий ишларнинг барча

турларидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда ҳарбий қўшмлар ўртасида ташкил этилаётган турли мусобақалар, Қуролли Кучлар фахрийлари, танкили адабиёт ва санъат намояндлари билан учрашувлар, маърифий-маданий тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўз навбатида бу ҳарбий қўшмларнинг шахсий таркиби сафларидан қўлаб жанговар хизмат аълочилари, билим ва таҳрибали, ўз кас-

14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

бани виждонан адо этиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётган жангчилар етишиб чиқмоқда.

Генерал-майор Илхом Ибрагимов командирлик қилаётган «Жануб» минтақавий штаби тасарруфидидаги ҳарбий қўшмларнинг жангчилари ҳам Ватан ҳимоячилари кунини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда қутиб олмақда. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан Ватан олдидаги муқаддас бурчинини адо этиш учун қақирган йигитлар муддатли ҳарбий хизматни алоҳида даражада ўтаб, командирлари ва тенгдошларининг ҳурматини қозонмоқда.

Келажакда, бутун миллий армиямизда бўлганидек, че-

гарачилар сафлари асосини ҳам сержантлар ташкил этиши яхши маълум. Чунки, Қуролли Кучларимизда бошқичма-бошқич ўтказилаётган ислохотлар талаби бўйича армия шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлардан ташкил топади. Шу боис чегара қўшинларидаги бундай кадрларни танлаш ва тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Майор Мирза Абдумитов командир бўлган ҳарбий қўшма шартнома асосида хизмат қилаётган ёшлар чегараларимизнинг доимо тинч ва осойишталигини таъминлаш учун бор куч-ғайратини сафарбар этмоқда. Қисмда жангчиларнинг ҳарбий хизматини намунали ўташи учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруқ казарма, замонавий ошхона, катта китоб фондига эга бўлган кутубхона, спорт майдончалари ва бошқа кўлаб маданий-маиший объектлар аскарлар хизматида.

– Чегарачи, аввало, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши лозим, – дейди Мирза Абдумитов. – Қисмимизда ана шундай фазилатларга эга чегарачилар кўпчилигини ташкил этади. Биз улар билан фахрланамиз.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА муҳбири.

«ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ»

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси таҳририяти ўтган йили мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан ана шу мавзуда иходий танлов эълон қилган эди. Йил давомида танловда таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлар билан бир қаторда мамлакатимизнинг турли бурчақларида истиқомат қилаётган ижодкорлар, ҳаваскор қаламкашлар, шунингдек, турли соҳа вакиллари фаол иштирок этидилар. Она юртимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган оламшумул утуқлар, юз бераётган янгиланишлар жараёни, юртдошларимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, одамларнинг фидокорона меҳнати, ўй-кечинмалари, орзу-умидлари танловда иштирок этган ижодкорлар асарларида баҳоли қудрат ўз аксини топди. Кунин кеча 2003 йил иходий танлов якуни кўриб чиқилди ва қўйилганлар галиб деб топилди:

Озод ШАРОФИДДИНОВ – биринчи ўрин - 100000 сўм. («Самарқанд сафаримақоласи ва «Мулашаси» эссеси учун).	Менгнор ОЛЛОВ – иккинчи ўрин - 50000 сўм. (Сурхондарё вилоятидан тайёрланган таҳлилий мақолалари учун).	Фарида МАҲКАМОВА – иккинчи ўрин - 50000 сўм. («Қишлоқнинг соғинадиганими?» ва «Арава судраётган истеъдод» мақолалари учун).	Рустамжон УМАТОВ – учинчи ўрин - 30000 сўм. («Шафқат манзили, биродарлик мактаби» мақоласи учун).
Расулмат ХУСАНОВ – учинчи ўрин - 30000 сўм. (Иқтисодий мавзулардаги мақолалари учун).	Истам ИБРОХИМОВ – учинчи ўрин - 30000 сўм. (Бухоро вилоятидан тайёрланган маънавий-маърифий мавзулардаги мақолалари учун).	Шавкат ОРТИКОВ – рағбатлантирувчи мукофот - 10000 сўм. (Ижтимоий ва таълим мавзуларидаги мақолалари учун).	Умид БЕКМУХАММАД – рағбатлантирувчи мукофот - 10000 сўм. (Тарихий мавзулардаги мақолалари учун).

Шунингдек, танловда Ҳамдам Эшонқулов, Жуманазар Холмуминов, Иброҳим Норमतов, Жовли Хушбук, Абдурахмон Искандаров сингари ижодкорлар ҳам фаол иштирок этгани қайд этилди.

МУЛҚДОРЛИК МЕВАЛАРИ

Йил якунланди. Сарҳисоб қилсақ бўлади. Хўш, ўтган йилда сирдарилик деҳқонлар қандай меҳнат қилишди, натижа, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самараси сизу бизни қониқтираятими? Бугун нима ишлар қилинапти?

– Гарчи шартнома удаланмаган бўлса-да, сирдарёликлар давлатга 144020 тонна сифатли пахта хом ашёси етказиб беришди, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари При-мқул Сойибна-заров. – Бу ўтган йилга нисбатан 5773 тонна кўпдир. Илгари вилоятда 112 та давлат ва жамоа хўжаликлари бўлар эди. Эндиликда ернинг асосий қисми фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун 6016 нафар фермерлар ихтиёрига берилган. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга ўзларининг муносиби хиссаларини қўшиб келмоқда.

Жумладан, фермерлар улуси пахта етиштириш бўйича 2001 йилдаги 51,4 фоиздан 2003 йилда 79 фоизга ортган, ғалла ишлаб чиқаришда 38,4 фоиздан 2003 йилда 77,8 фоизга ортган. Мулкдорларнинг даромади ҳам шунга яраша.

(Давоми 3-бетда)

СОЛИҚ

Инсон табиати қизиқ-да: тақиқланган, ман қилинган нарсаларга ўч бўлади. Ҳайрон бўлмаңг. Бу бизнинг эмас, балки психологларнинг кўп йиллик кузатувларидан кейинги ҳулосалари, холос. Тўғри гап.

Агар кишиларда ўша ортиқча қизиқувчанлик кайфияти бўлмаганида дилхираликларга сабаб бўладиган хатти-

ДАРОМАДНИ ЯШИРМАНГ

харакатлари, қонунбузарлик ҳолатлари бўлмасмиди? Яна ким билсин. Афсуски, бу каби ҳолатларга ҳаётимизда кўп бор дуч келамиз...

Биргина солиқ тизимини олиб кўрайлик. (Балки бу борадаги ҳолатларни ўша ортиқча қизиқувчанлик деб бўлмас). Қорхона, ташкилот, фирмалар, ишлаб чиқариш цехлари, хуллас, фаолият юритаётган муассасалар борки, белгиланган миқдорда ўз вақтида солиқ тўловларини тўлашлари қонунда кўрсатиб ўтилган.

(Давоми 2-бетда)

“ДЕҲҚОН ҲАММОМНИ ОРЗУ ҚИЛИБДИ...”

Олтинсой тумани марказига бораёпмиз-у, “туманда ҳаммомларнинг аҳволи қандай экан, ахир ҳар ким ҳам захматли меҳнатдан кейин унга эҳтиёж сезади-ку?” деган савол бизга тинчлик бермасди.

Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ашур Ориповдан: –Туманда ҳаммомлар кўпми? Клублар яхшимиз? – деб сўрадик.

– Ҳаммомларимиз – деди Орипов. – Туманда 4 та ҳаммом бор. “Оқ олтин”, “Пахтакор” ширкат хўжалигидаги ҳаммомлар яхши ишлаяпти. Бобур номли хўжалигида ҳаммом ҳам ёмон эмас. Туман марказидаги ҳаммом хусусийлаштирилган...

Муовининг жавобидан хурсанд бўлдик. “Пахтакор” ширкат хўжалигида эмас. У бир пайтлар вилоятдаги энг бой хўжалиқлардан бири бўлган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда энг олдинги ўринларда эди. Ашур Ориповнинг эътирофи этишча, тумандаги мавжуд ҳаммомлардан биттаси шу ерда.

(Давоми 2-бетда)

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Хотин-қизларимизнинг жамиятда ва оилада алоҳида ўрни бор. Уларнинг бу қадар шараф, обрў-эътиборга эришиши ажодларимизнинг минг йиллик тарихга пойдор ҳаёт синовлари ҳамда тажрибалилардан муваффақият билан ўтиб келадиган ёзилган қонунари билан узвий боғлиқ.

Зеро, муулмончиликда аёл шаъни, унинг қадри ҳамма замонларда юксак эъзозланган.

ЭЛ УДУМИДАГИ УЙҒУНЛИК

Қон-қонимизга сингиб кетган бу аёнана эса ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, албатта. Оналар, кўпни кўрган қайвони қампирлар муносиби номини сақлаш учун ҳамиша жон қойитганлар. Оилада қиз болага ёшлигиданоқ момоларимиз ўша “муқаддас мерос”ларини уларнинг митти тафаккурларига сингдира боради. Жумладан, ибодли, ҳавли бўлиш, хуш-тавозелик, саломни қанда қилмаслик, орасталик, ўзидан каттанинг ва эр кишининг йўлини кесиб ўтмаслик каби юзлаб миллий урф-одатларимиз каби жойда битилмаган қонунари борки, буларнинг барчаси қизларимизни факат ва факат яхшиликка, олижанобликка етаклайди.

(Давоми 4-бетда)

“БОЛАМ ЙИҚИЛИБ ЎЛМАГАН...”

Қаҳратон киши. Ҳаво совуқ. Ҳамма ёқни қалин қор қоплаган. Аллақачон тун чўмган. Ташқарида ҳеч зор кўринмайди. Аҳмадали ака ширақайф. Шу ҳолатда у телевизори бузуқлигини эслади. Ўгли Шерзод билан устаникига йўл олди.

–Шу пайтда телевизор тузатишга бало борми. Сиз ичган кунингиз албатта ғалла чиқарасиз. Кўйинг, тинчгина уйда

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ўтиринг, ҳамма сиздан безор... Хотинининг гапларига ларво қилмаган Аҳмадали ака ўғлини эргаштириб, уйдан чиқиб кетди. Ота-бола қайтиб келишди. Шерзод эса онасига ҳасрат қила бошлади.

–Ойи, дадамга қачон инсоф қиради? Қўчага чиқдим дегунча ўртоқларимнинг, қўшнларимизнинг дадам ҳақидаги ҳар хил гаплари қулғимга қалиниб қолади. Ҳозир ҳам устаникига боргунча мени турткилаб, бўлмағур гаплар билан сўкиб, сизни ёмонлаб кетди. Шарифа она бу сафар чидаб тура олмади.

(Давоми 2-бетда)

Х И К М А Т

Зўравон-ликка йўғрилган чоралар замирида ёвузлик ётади.

Френсис БЭКОН

(Боши 1-бетда)

Масалан, Шароф Рашидов туманидаги "Тинч" фермер хўжалиги соҳиби Норбек Уринов 216 гектар майдонда пахта етиштириб, давлатга 560 тонна юқори навли пахта сотди ва 23,3 миллион сўм фойда билан йилни якунлади...

Хар бир деҳқон фермер ерга ба-рака уруги қадар экан, энг аввало, "яхши ҳосил олай, шу орқали кўп даромад қилиб, рўзгоримни бут-лайин, қозоним мойга, омборим



ҚОРАКЎЛЧИ ШИФОКОР

Йирик қоракўлчилик хўжалиги яйловларида парвариш этилаётган минг-минглаб чорва молларини асрашда ветеринария бўлими ходимларининг хизмати катта. Айниқса, эмлаш жараёни тинимсиз меҳнатни талаб этади.

Кўй-қўзиларни куйдирги касаллиғига қарши ҳар йили эмлаш режали тарзда олиб борилади, - дейди бош ветеринария шифокори Пўлат Дуйсенов. - Оспа касаллиғига қарши кўйлар ноябр ойида эмланади. Кўш пайтида, албатта, молларга антигельминтик бериш керак. Бу кўй ўпкаси ва инағидики қуртни тушириш учун хизмат қилади. Оспа, куйдирги юқумли касаллик бўлгани учун эмланади.

АРЗОНИГА УЧГАН...

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ўтказётган "тоза-лаш тадбирларида ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркорларнинг кирдиқорлари фойда этилмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдуқодир Раҳимжоновнинг айтишича, Окдўрғон туманидаги "Озод" ширкат хўжалигининг Ёғлик маҳалласида яшовчи Баҳром Зокиров уйда кўлбола мойкувот ишлатаётганини аниқлаган. Бу хондондан икки тонна чигит ва икки тонна қунжарча чиқди. Уй эгаси захарли моддалардан тозаланмаган сифатсиз ёғ ишлаб чиқариб, уни бозорда сотиш билан шуғулланиб келган.

ИШЧАН САФИЯ

Тайёрлаган маҳсулотнинг сифатли бўлса, сен харидорин эмас, харидор сени топади. Булунғурдаги "Афросиёб-мева-си" кўшма корхонасида ишлаётган ҳар бир йигит-қиз, катта-ю кичик мана шу ақдага амал қилиб меҳнат қилмоқда. Шу боис корхонада тайёрланаётган ўрик, олма, олхўри, помидор кукунларига (концентрати) нафақат юртимиздан, балки хориждан ҳам харидорлар талабгор бўлишмоқда. Хозирланаётган маҳсулотлар асосан Россияга ва бошқа давлатларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Корхона маҳсулотларининг сифатли бўлишида ишчи Сафия Норматованинг ҳам алоҳида ҳисса бор.

СУРАТДА:Сафия Норматова. Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан хусусий таъбиркор Абдураҳимов Холмурод Султоновнинг номига 2000 йили берилган, қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқи қайд этилган № 0915479 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

донга тўлсин", дейди. Йил-ун икки ой меҳнат қилса-ю қосаи оқармаса, ҳафсаласи пир бўлиши тайин. Демак, даромадни ошириш учун ҳосилдорлиқни кўпайтириш билан бирга ортиқча сарф-харajatларни камайитриб, одамларни тежамкорликка ўргатиш керак.

МУЛҚДОРЛИК МЕВАЛАРИ

Сирдарё вилоятида бу йил биринчи марта деҳқонларнинг чунтаги пул кўрди десак, муболага бўлмас. Чунки ҳосилнинг асосий қисми 1-2 навларга сотилди. Аввалги йилларда айрим ҳолларда бўлган талон-тарожликларга чек қўйилди.

Бозор муносабатларини шакллантириш ҳар бир хўжаликда иқтисодий самара билан ишлашни тақозо этмоқда. Энди фермер ҳисоб-китобни биладиган, ҳақ-ҳуқуқни таниган шахсга айланмоқда. Ялли ҳосил ўтган йилдаги нисбатан кўпайган бўлса-да, вилоятда 2003 йилдан 2002 йилга нисбатан 15662 тонна ёнилғи-мойлаш

оширишда Пўлат Дуйсеновга кўл-қанот бўлмоқдалар ва қоракўлчилик тараққиётига ўз хиссаларини қўшмоқдалар. -Йон ойдада брицеллез касаллигини аниқлаш учун кўйлардан қон олинади, - дейди бош ветеринария шифокори, - отарлардан ажратилган ўн фоиз ёки етти минг бош кўйдан қон олиб туман лабораториясида текшира-миз. Оксил касаллиғига қарши юз фоиз эмланади.

-Нега? - деб сўраймиз ундан. -Бу касалликнинг олдини олиш учун, - дейди Пўлат, - қишда битга қарши дориланади. Ёзда кун кирк даражага кўтарилганда микроблар чидамсиз бўлиб қирилади кетади. Ушунда кўйлар этига эт қўшилиди. Кўй тўлиқ иссиқ кумни босдимми билингки, у соғломлашиб боради.

Мамлакатда чорвачиликнинг равнақиди мол дўхтирининг масъулияти балоанд. Шу боисдан ҳам улар туну кун йил кезиб, кўй-қўзиларни даволаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Буни Қонимех туманидаги Абай номли наслчилик ширкат хўжалиги ветеринария шифокорлари мисолида ҳам кўра олдик. Уларнинг хушёрлиги, жонқуярлиги туфайли хўжалик мамлакатда олдинги ўринларга чиқиб олди.

Хамдам ЭШОНКУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

материаллари, 4200 тонна минерал ўғит ва бошқа моддий ресурслар иқтисод қилинганлиги туфайли 2,7 миллиард сўмлик ортиқча сарф-харajatларга йўл қўйилмади.

Бу йил биринчи марта галла тайёрлаш пайтида маъмурий буйруқ-бозлик усулидан воз кечилиб, фақат шартномавий муносабатларга амал қилинди. Фермерлар шартномадан ортинги ўз омборларига тушириб олишди. Давлатга 153 минг тонна юқори сифатли галла топширилди. Уртача ҳосилдорлик 26,9 центнерни ташкил этди.

Вилоятда ўзининг меҳнати, тажрибаси, деҳқончилик маҳорати билан эл-юрт орасида хурмат-эътибор топаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётти. Боёвутлик Бердиали Жулбеков, гулистонлик Абдурауф Исоқулов, мирзаободлик Р.Хўжаев, оқ олтинлик Фулом Фозилов, Шароф Рашидов туманидан Асатилло Бердиқулов, сайхунободлик Тошмамат Жўраев сингари фермерлар вилоятнинг фахрига айланган.

-Ўтган йил 18 гектар галла майдонининг ҳар гектарида 40 центнердан бугдой йиғиштириб олган-

дик. Пахтамиз ҳам эртаги бўлди. Қўсақлар тўлик очилгач, йиғим-теримга киришдик ва октябр ойининг бошларидаёқ режамизни ошириб бажардик, - дейди Гулистон туманидаги "Жаҳонгир" фермер хўжалигининг раҳбари Раҳматулло Йўлқўраев. - 13 гектар пахтазорнинг ҳар гектарида 40 центнердан

ҳосил йиғиштириб олдик. Соф фонди 10 миллион сўмдан ошди. -Ўзимизга шартномадан ортиқча 25 тонна дон қолди, - дейди Ховос туманидаги "Қамолитдин" фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шўхрати" ордени нишондори Абдуразақ Хотамов. - Фаллачиликдан 2,5 миллион сўм соф фойда қолди, 88 тонна юқори навли уруғлик пахта етказиб бериб, пахтачиликдан 15 миллион соф фойда кўрдик. Ростини айтсам, ишласа, ерга меҳр қўйса, замин ўз سخоватини аямайди. Хозирнинг ўзида далага 200 тоннадан зиёд гўнг ташиб чиқардик. Шўр ювишга жиддий кириш-

кейинги) иккинчи ўринда туради. Дикқатга сазовори жойи шундаки, гербарийда фан учун илк бор кашф этилган янги ўсимлик турларининг 1500 га яқин биринчи нусхалари (типлари) сақланади.

ЖАҲОН АҲАМИЯТИГА ЭГА ГЕРБАРИЙ

Теварак-атрофимиздаги юксак тоғлар бағрида ястаниб ётган, жазирама чексиз қумлар саҳросида ўсиб турган яшилликнинг турфа олампидан ҳар ким баҳраманд бўлади. Яшиллик йўли - чинакам табиатнинг сеҳри, сир-синоатларга тўлган уртга йўлидир. Ватанга, туғилиб ўсган юртга йўл аслида шу ерда ўсган ашилл гўбҳдан бошланади.



УзР ФА "Ботаника" ИИЧМ Марказий гербарий лабораторияси мудир, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Уктам Пратов умрининг салкам 50 йилини яшилликнинг сирли олами - ўсимликлар дунёсига бағишлади. У кейин билан суҳбатимиз ҳам ана шу сирли дунё синоатлари хусусида бўлди.

-Сиз раҳбарлик қилаётган лабораторияда сақланаётган гербарийлар Урта Осиёдагина эмас, балки жаҳон аҳамиятига эга бўлган гербарий ҳисобланади.

-Ғалингиз тўғри. Тупроқ ҳолдаги гербарийларни бирлаштириб, республикамизда ягона марказлашган гербарий ташкил этиш кўпчилик ботаниклар қатори менинг ҳам орзуим эди. Лекин бу жуда оғир иш бўлиб катта меҳнат талаб қиларди. Тошкентдаги йирик гербарийларни бирлаштириш масаласи узок йиллар давом этган. Академик Ж.Саидов Ботаника институтига раҳбарлик қилган йиллари ҳам музокара олиб боририлган. Мен 1985 йили институтига раҳбар этиб тайинланганимдан сўнг ҳам бу масала кун тартибидан тўшмади. Бу ишда менга академик Ж.Саидов, З.Зокиров, Ж.Ҳамидов, доцент А.Введенский, Т.Одилов ва М.Набиевлар яқиндан ёрдам беришди.

Машаққатли, тинимсиз югур-югурлардан кейин нихоят 1987 йили ҳукуратимиз қарори билан ТошДУ (ҳозирги Миллий университет), Табиат музейи, Ўз ФА Ўсимлик моддалари қимёси институти, ТошДПИдаги гербарийлар (коллекциялар) Ботаника институти қошида бирлаштирилди, йирик Марказий гербарийга айлантирилди.

1993 йил декабр ойида Санкт-Петербургда ЮНЕСКО томонидан уюштирилган гербарийларга бағишланган биринчи халқаро конференцияда айнан бизнинг Марказий гербарий Жаҳон аҳамиятига эга бўлган гербарий деб эълон қилинди. Хозирги кунда Марказий гербарий Халқаро гербарийлар каталогига киритилган йирик, ноёб маскан ҳисобланади.


-Бугунги кунда сиз мудирлик қилаётган Марказий гербарий Республикама-нининг ҳам "ноёб олтин фонди" ҳисобланади. Бунда сақланаётган "олтин варақлар" ҳақида маълумот берсангиз.

-Марказий гербарий бу - табиатнинг ажралмас бир бўлағи ҳисобланади. Олтин варақлардаги ёрликларга ўсимликнинг илмий ва маҳаллий номлари, географияси, экологияси ва фенологияси, гуллаб, мева бериши, йиғиб аниқланган шахсининг исми ва фамилияси, йиғилган йили, ойи, кунни аниқ ёзилади. Бу даргоҳда 1840 йилдан бошлаб Ер қуррагининг турли минтақаларидан тўпланган 20 мингга яқин турга мансуб 1 миллион 400 мингга яқин ўсимлик нусхалари сақланади. Ўсимлик намуналари ва турларга бойлиги жиҳатидан бизнинг гербарий Мустақил Давлатлар Ҳамдўст-лиги мамлакатларида (Санкт-Петербургда

ғанимиз. Ҳа, сир-дарёликлар бугун астойдил меҳнат қилишмоқда. Таъминотчилар деҳқонга кўмақдош. Яқинда эса вилоят деҳқонлари Гулистондаги театр биносидида йиғилишиб, ўтган йил сарҳисобини қилдилар. Амалга оширилган ишлар қучур таҳлил қилинди. Бу йилги режалар амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров илгор қишлоқ хўжалиги ходимлари-рига вилоят ҳокимлигининг совғаларини топширди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Айнан мана шу гербарий асосида 10 томли Урта Осиё ўсимликлари аниқлағичи, Ўзбекистон, Қозғоғистон, Тожиқғистон, Қирғизистон ва хатто собиқ иттифоқнинг 30 томли флораси ёзилиб, нашр этилди. Бугина эмас, жуда кўллаб тадқиқотчилар монография, тўлам, дарслик ва бошқа асарлар ёзишда бу ноёб объектдан фойдаланиб келади. Марказий гербарийга ҳар йили Германия, Англия, Америка, Япония каби 20 га яқин мамлакатдан мутахассислар келиб, ўз соҳалари бўйича гербарийлар билан танишади.

-Табиат мувозанати - ҳаёт мувозанати. 1998 йилда "Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"нинг 1-жилди сизнинг раҳбарлигиниз, тахирингиз остида ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Нега кейинги вақтларда табиат мувозанати оғир аҳволга тушиб қолмоқда?

-Аслида табиат мувозанати бизнинг доим диққат-эътиборимизда туриши керак. Уни ардоқлаб, эъзозласак, ҳар бир гўбҳини авайлаб-асрасак, у бизга ҳаёт бахш этади. Чексиз гўзаллиқни атрофимизда муҳайи қилиб, оламни гулларга бурқайди. Лекин минг афсуски, бу мувозанатга аллақачон путур ета бошлади. Кейинги пайтларда инсонларнинг табиатга шафқатсизларча хуружи ва Орол денгизининг чекинishi туфайли, у ўзининг гўзаллигини йўқотмоқда. Унинг мувозанати қундан-қунга бузилиб бормоқда.

1998 йилда "Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"нинг 301 та ўсимлик турини ўз ичига олган иккинчи нашри китобхоналарга ҳавола этилди. Бу турлар Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси томонидан иш-лаб чиқилган таснифга биноан 4 гуруҳга ажратилиб, ҳар бир ўсимликка таъриф берилаётганда қайси гуруҳга мансублиги қайд этилган.


Китобда ҳар бир турнинг ўзбекча, русча, латинча номлари ҳамда унинг қисқача тавсифи ўзбек ва рус тилларида баён қилинган. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, ўсимликларнинг ўзбекча номлари илк бор "Қизил китоб"га киритилди.

-Ўқтам ака, сиз ботаника фанига оид қатор йирик асарлар ёздингиз. Хусусан, ўзбек тилидаги "Ботаника" дарсликларини яратишга ҳам асос солдингиз. Мактаб ўқувчилари учун ёзган "Ботаника" китобингизнинг аввалги дарсликлардан афзалликлари нималарда?

-Ўз тилимизда ушбу фанга оид асарлар яратиш менинг бирдан-бир орзуим эди. Шу мақсадда ўзбек тилида ботаника терминларини (атамаларини) яратиш устида 1959 йилдан буён ишларни келаман. Академик Қ.Зокиров, М.Набиев ва Х.Жамоловлар билан ҳамкорликда 1962 йилда "Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати", 1993 йилга келиб эса бошчилигимда "Ботаника атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати" чоп этилди. Айни Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўзбек тилида 2 томга мўлжалланган "Ўзбекистон флораси аниқлағичи" номли китоб ёзилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон миллий энциклопедиясини ёзишда иштирок этяпман.

Ботаника дарсликлари аввалги дарсликлардан жиддий фарқ қилади. Уларда ботаника фанининг назарий асослари тўлиқ сақлаб қолинди ва замон фани ҳамда дарслик талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиб ёзилди. Дарсликларга бир қатор янги боб ва парagraфлар киритилди. "Ўзбекистонда ботаника фанининг тараққиёти", "Ўзбекистоннинг ўсимликлар бойлиги", "Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"га киритилган ўсимликлар, "Ўзбекистоннинг манзарали ўсимликлари" қабилар шулар жумласидандир.

-Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Суҳбатдош: Марҳамат МАТВАФОВЕВА, биология фанлари номзоди.



ҚАНДАҲОРДА ЯНА ТЕРАКТ

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида жойлашган ҳарбий база ёнида қолдириб кетилган юк машинаси портлади.

Оқибатда 12 киши ҳалок бўлиб, 45 адам турли қўриқнишда жароҳатланган. Ачинарли томони шундаки, вафот этганларнинг аксарияти мактаб болалари.

Содир этилган портлашда "Толибон" ҳаракати жангариларининг қўли борлиги гумон қилинмоқда. Қандаҳор шаҳрида АҚШ ҳарбий операцияларини олиб бортан қундан бошлаб "Толибон" ҳаракати афғон ҳукумати ва чет эл ҳарбийлариға қарши жиҳод эълон қилган эди. Айни вақтда терактни уюштирилганда гумон қилинаётган бир шахс қўлга олинди, сўроқ қилинмоқда.

АЛВИДО, ҚУРОЛ!

Корея Халқ Демократик Республикаси ядровий қуроллар ишлаб чиқариши батамом тўхташтига тайёр эканлигини баён этди.

Бу йўлда расмий Пхеньян ўз шартларини айтиб ўтди. Шимолий Корея қуроли қушлари дастури тўғрисидаги келишувларга ўзгаришлар киритиш шўлар жумласидан, дея хабар беради Associated Press ахборот агентлиги.

Бундан бир қанча муддат илгари расмий Пхеньян ўзининг ядровий ҳаракатларини вақтинчалик "музлатиб" қўйиш эвазига инсонпарварлик ёрдами ва терроризмни қўллаб-қувватлайдиган давлатлар рўйхатидан ҚХДРни батамом ўчириб ташлашни АҚШ ҳукуматидан талаб қилган эди. Амалга ошмаган ушбу талаблар ҳам ўз кучида қилишини Шимолий Корея раҳбарияти айтиб ўтди.

ТИКЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Эроннинг вице-президенти Муҳаммад Али Абтаҳнинг Reuters ахборот агентлиғига берган маълумоти-га кўра, Миср ва Эрон давлатлари дипломатик алоқаларни тўлақонли йўлга қўйишга келишиб олишган ва бу йўлда амалга ошириладиган ҳаракатлар учун тайёр-барлиқ олиб бормоқда.

1980 йилда Эрон ва Миср ўртасидаги дипломатик алоқаларга тўла-тўқис нукта қўйилган эди. Бунга сабаб Эрон ислом инқилобининг тўб бурилиш даврида Миср шўх Муҳаммад Ризо Пахлавийга сиёсий бошлана берган эди. Бунга жавобан Техрон кўчаларининг бириги Миср президенти Анвар Садатнинг котилининг номи қўйилди. Шу воқеалар икки давлат ўртасида сиёсий келишмовчилик келиб чиқишига олиб келган эди. Бугун эса расмий Техрон ва Қоҳира бир вақтлар юзага келган тушунмовчилик ва низоларга барҳам берилганлигини тан олишмоқда, деб айтиб ўтди Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Махер.

ФОЖИА САБАБЛАРИ АНИҚЛАНАДИ

Қизил денгиз осмонда ҳалокатга учраган Мисрнинг "Flash Airlines" авиакомпаниясига тегишли "Боинг-737" самолётининг "қора қут"ларидан бири ғав-вослар ёрдамида топилди.

Ахборотларни ўзида жам этган "қора қут" мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Узи билан бирга 140 кишини денгиз тубига олиб кетган самолёт бортида ҳеч қандай ёнғин ёки носозликлар бўлмаган, балки бу теракт бўлиши ҳам мумкин, деб тахмин қилмоқда Миср ҳукумати. Фожиа содир бўлган жойда ҳаво кемаси қолдиқлари, йўловчиларнинг жасадларини қидиришга 500 дан ортиқ француз ва америкалик хизматчилар сафарбар этилган, дея хабар беради Associated Press ахборот агентли-ги.

"ҒАЙРИОДДИЙ ПНЕВМОНИЯ"

САБАБЧИСИ ЖОНИВОРЛАРМИ? Хитой ҳукумати мамлакатда яна пайдо бўла бошлаган "ғайриоддий пневмония" касаллигининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни кенг қамровда бошлаб юборди.

2003 йили киш ойларида Хитойда "ғайриоддий пневмония" вируси билан вужудга келган муаммолар бутун дунёни сергак туртирган эди. Хитой ва тиббиёт соҳаси ривожланган қўнғина давлатлар мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилган иланишлар натижасида бундай кўринишдаги вирусларнинг келиб чиқиш сабаби аниқланди. Хаммага маълумки, Хитойда аҳоли бир қанча ёввойи жониворлар гўштини ҳам истеъмол қилади. Мутахассисларнинг фикрича, "пневмония" ана шундай жониворларни тановул қилиш оқибатида вужудга келар экан. Хитой соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда барча провинцияларда ёввойи мушук, ит ва шу каби жониворларни йўқ қилиш тўғрисидаги баёнот қилиб чиқди. Вазирликнинг берган маълумотиға кўра, ўтган 10 кун давомида Хитойда 10 га яқин кишига "ғайриоддий пневмония" синдроми ташхиси қўйилган.

ГРУЗИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Грузияда 4 январь кун муддатидан илгари бўлиб ўтган президентлик сайлови ижобий воқеа сифатида мамлакат тарихида қолади, дея баҳоламоқда халқаро кузатувчилар.

Мамлакатда мавжуд вазият ва аввалги президентлик сайловларининг аксарияти муҳолифатчилар қаршилиги, хатто қуроли тўқнашувлар билан якунланганини ҳисобга олганда, кузатувчиларнинг баҳоси тўғри эканлиғи амин бўла-миз.

Грузияда президентлик сайлови тинч ва демократик тарзда ўтишига БМТ, ЕХТТ ва бир қанча халқаро ташкилотлар ўз хиссаларини қўшишди. Сайлов натижалари Михаил Саакашвили энг кўп - 86 фоиз овоз олган бўлса-да, ҳали мамлакат президенти деб расман эълон қилинмаган. Амалда Грузия халқи Саакашвилини президент сифатида қабул қилишди. Собиқ президент Эдуард Шеварднадзе ҳам Саакашвили учун овоз берди. Грузия марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган якуний натижаларға кўра Михаил Саакашвили - 86 фоиз, Теймураз Шашиаши-ли 12,80 фоиз, Роик Липартелиани - 4,73 фоиз, Қаргилоз Ғарибашвили - 3,81 фоиз, Заза Сикарулидзе - 2,90 фоиз овоз олган. Аджария ўлкаси сайловда иштирок этган бўлса-да, унинг Грузия тасарруфида қолиш ёки қолмаслиғи бўла-жақ янги ҳукумат қабул қиладиган қарорларға боғлиқ, дейилмоқда.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

ҚУМЛИК БАҒРИДАГИ ИЛМ МАСКАНИ

Қарақата кўргони кенгликларда жойлашган. Унинг ҳок ўртасида уч қаватли мактаб биноси атрофга кўркамлик бахш этди. Кўшга қараб қурилган мактаб остонасига ҳар кун 255 ўқувчи илм олиш учун, 22 та ўқитувчи илм бериш учун келади.

Улардан бири тажрибали педагог Айниса Дүйсенбаевадир. У ёшларга узоқ йиллардан бери рус тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Жонфидолиги туфайли бу аёл "Дўстлик" ордени билан тақдирланган. Ёки унинг касбдоши Мирамғул Бийсенова-нолайлик. Мирамғул она бошланғич таълим муаллими сифатида чўпон болаларининг билими кишилар бўлиб воғая етишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Бийсенованинг ҳам ҳалол хизматлари муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистонда" фазилат кўрсатган ўқитувчи" хизмат унвони би-

лан тақдирланган. Бундан ташқари математика муаллими Дүйсенбой Кенжакулов, Гулсара Жўдйбоева, Ойсулува Жунисова, Роҳат Серикбоева, Урин Шеров чўпон билим ва малакага эга бўлганликлари туфайли "Ўзбекистон халқ таълими аълочилиси" нишони билан тақдирланганлар.

-Таълим даргоҳида 22 та фан кабинетлари мавжуд бўлиб, ўқиш-ўқитиш шу тизимда давлат таълим стандартининг иккинчи босқичи бўйича олиб бориляпти, - дейди мактаб директори Назокат Сидикбоева. - Икки йил муқаддам компьютер хонаси ташкил этилиб, унга 13 та компьютер ўрнатилди. Дарвоқе, ўқув йили бошлангандан бери ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асослари ҳам ўқитилаяпти. Мактаб кўркам спорт зали

ва ўйингоҳга эга. Бу масканларни замонавий тарзда таъмирлаб, жиҳозлаш учун "Қарақата" ширкат хўжалиги ва Зарафшон шаҳар қурилиш бошқармаси катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Қизилқум бағрида жойлашган мактабларга борганимизда бosh чўпон Медет Ибрагимов укаси Эркабуланни, бosh чўпон Шакир Абжиктаев кизи Бахтигулани навбатдаги дам олиш кундан сўнг ўқишга олиб келганликларининг гувоҳи бўлди. Мактабда ўқитган болаларнинг аксарияти чорвадорларнинг фарзандлари. Шунтибой, Нурбулоқ, Жибек, Гултушган, Азник, Ажибугит кенгликларда кўй боқайтганларнинг фарзандлари мактаб ёнидаги интернатда яшаб ўқимокдалар. Бундай ўқувчилар 25 нафарни ташкил этади. Уларга ҳар кунги тўрт маҳал иссиқ овқат тайёрлаб берилаяпти. Бунинг

SPORT OLAMIDA

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида ўтказилган Хайлат кенгашининг йиғилишида мамлакатимиз спорт мутасаддиларидан ташқари Миллий олимпия кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Болалар спортини ривожлантириш ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармалари раҳбарлари иштирок этишди.

Кенгашда шу йил ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлифлар муҳокама қилинди. Еда Грециянинг лойтахти Афинада ўтказиладиган "Олимпиада-2004" уйларида иштирок этадиган спортчиларимизнинг тайёргарлигини янада кучайтириш ҳам йиғилиш қатнашчилари назаридан четда қолмади.

ШИФКОРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Жиззаз виллоятда "Оналар ва болалар" санаторийси спорт мажмуасида тиббиёт ходимлари ўртасида анъанавий спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Турнирда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа виллоятлар жамоалари ҳам иштирок этишди. Беллашувлар спортнинг шашка, волейбол, стол тенниси каби турлари доирасида ташкилланган. Шашкачилар баҳсида наманганликларга омад кулиб боқди. Волейбол турнирида самарқандлик шифкорларга тенг келадиганлар топилмади.

МУВАФФАҚИЯТ

Санкт-Петербург шаҳрида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари учун муваффақиятли бўлди.

Дунёнинг 35 давлатидан келган 200 нафар спортчилар орасида ҳамюртимиз Ақром Ишов биринчи мартаба иштирок этишига қарамай номдор рақибларига муносиб қаршилик кўрсатиб, чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди. Яна бир самбочимиз Шавкат Жўраев эса жаҳон чемпионатининг қумуш медалига сазовор бўлди.

МИНИ-ФУТБОЛ БАҲСЛАРИ

Ватан ҳимоячилари кунги арафасида Навоий шаҳрида мини-футбол турнири ўтказилди.

Унда виллоят кубогини соҳибига "Навойазот", Учкудукнинг "Сокол" ва Навоий тоғ-металлургия комбинатининг "Южаник", Навоий шаҳрининг "Дўстлик" ҳамда "Н" ҳарбий қисм жамоалари баҳс олиб борди. Барча рақибларини мағлуб этган ҳарбийлар мусобақа ғолиблигини қўлга киритишди.

БУХОРОЛИКЛАР КУБОК СОҲИБИ

Бухоро виллоятда ёш полвонлар ўртасида Ўзбекистон кубогини бахслари бўлиб ўтди.

Муросасиз беллашувларда ғолиблик Бухоро ва Сурхондарё полвонлари ўртасида кечди. Кубок соҳиблиги учун қурашган икки виллоят полвонлари маҳорат бобида бир-бирларидан қўлишмасликларини исботлашди. 9 нафар ўрнига 6 нафар полвон билан ишти-

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР "ЖАВЛИ ҚУРБОНОВ" ҚОРХОНАСИ

ҚУЙДАГИЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ:

- Сув сарфини ўлчаш стандарт водосливлари - 15-175 литр/сек.
- Сув сарфини ўлчаш стандарт насадкалари (ер нишаби 1=0 бўлган ҳолда) - 50-300 литр/сек
- Сув тўғрилаш вентил-затворлари - ЛР 60-100
- Шалопчи (хлопушка) 5 метрли рулетка билан - Ш 25-50 мм
- Намуна олғич (пробоотборник) - Ш 25-50 мм
- Тупрок қазиш пармаси - Ш 32-50 мм, 1,5-3м.
- Пьезометрлар - Ш 40-75 мм, Н-3 м.

Юқори сифатли иш бланкалари, دفتر, кундалиқлар, альбом, рангли журнал, тақлифнома ва китобларни тез ҳамда арзон нарҳда чоп этиб беради. Маънавий ўқитиш ёки нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинади. Эл.: 127-14-56 (уяли тел.), 65-14-56, 65-26-81 (кечкурун) (қитб 8-372), (САНИИРИ) ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудида).

Бош муҳаррир
ЎТКИР РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Саид АХМАД, Айтига АДИЛОВ, Саиджон МАМАЖОНОВ, Суннат САИДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахрид ШЕРМУХАММАД (масъул қотиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТАЪЛИМ

роқ этган сурхондарёликлар имкониятни фидо қилиб мазорларга бўлиб беришди.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

ШОВ-ШУВЛИ БАҲС

WBC версияси суперогир вазн тоифасидаги жаҳон чемпиони Леннокс Льюис украинalik боксчи Виталий Кличко билан тақрорий жанг ўтказишга розилик берди.

Бу жанг 2004 йил апрел ойида бўлиб ўтиши кутулимоқда. Машҳур боксчилар ўртасидаги биринчи учрашув 2003 йил июни ойида ўтказилиб, украинalik чарм кўлқоп соҳибининг техник нақаути билан яқунланганди. Амалдаги жаҳон чемпинининг бу қарорга келишига унинг собиқ мураббийи Адриан Теодорескининг маслаҳати сабаб бўлди.

Льюис ҳам бу жангга ғалаба қозонишига ишонмоқда, бу билан у суперогир вазнда тенгсиз эканлигини исботламоқчи ва ана шу жанг унинг сўнгги учрашуви бўлишини ҳам таъкидлаб ўтди. Ҳозирча "қизилқум" мусобақа жадалининг 6-поғонасида турибди. Чемпионлар лигасида эса дастлабки тўрт ўринни олган жамоалар иштирок этади.

ОУЭННИНГ ЖАВОБИ

Англия терма жамоаси ва "Ливерпуль" ҳужумчиси Майкл Оуэн харидорларига ўз жавобини берди.

Оуэн агар жамоаси чемпионлар лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаса, "Ливерпуль"ни тарк этмоқчи бўлади. Оуэннинг сўнгги ўрашуви "Ливерпуль" ва "Челси" каби гранд жамоалар ўз сафида кўришни хошламоқда.

НЕДВЕД ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

Италия А серияси 15 - тур учрашувларида Павел Недвед жамоасига уч очко келтирди. "Теруджа"ни қабул қилган "Овентус" 1:0 ҳисобида ғалаба қозondi.

Ягона гол муаллифи "Олтин тўп" соҳибига Павел Недвед бўлди. "Интер" ҳам Сан-Сирога аjoyиб ғалабани қўлга киритди. "Интер" - "Леччи" 3:1.

Сўнгги вақтларда аjoyиб ўйин кўрсатаётган "Лацио" ва "Парма" учун эса бу тур омадсиз келди. Бу икки жамоа ҳам меҳмондан мағлубият билан қайтишди. Турнир жадалининг эса ҳамон пойтахт жамоаси "Рома" 36 очко билан бошқариб турибди.

Интернет хабарлари асосида Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона - 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

Вилоят муҳбирлари:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-32-225; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

учун зарур бўлган маблағни туман молия бўлими ажрата-япти.

-Мақтабимиздаги кутубхонада 5057 нусха китоб фонди мавжуд. Китобхонлар сони 272 нафардан иборат. Фонддаги китоблар ўзбек, рус, қозоқ тилларида. Мўҳими, қозоқ мактаби учун ҳамма фанлардан дарсликларни Тошкентдаги нашриётлардан ўз вақтида ва сифатли ҳолда олмақдамиз. - дейди бошланғич синф ўқитувчиси Гулсара Жўдйбоева.

Қайси мамлакатнинг фарзандлари билимли, дунёқарашли кенг бўлса, у ерда ўсиш, юксалиш бўлади. Шу маънода, республикаимизнинг чекка ҳудудларидан бири Қонимех туманидаги А.Бекулов номи 6-ўрта қозоқ мактаби педагогик жамоаси олиб бораётган салмоқли ишлар, таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлар эътиборга молик. Биз улар билан хайрлашиб қайтар эканмиз, жамоанинг ёшларга чўқур билим бериш йўлидаги заҳматли ишларида муваффақиятлар тиладик.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ СЎҚҚАБОШЛАР

Немис файласуфи Шопенгауэр бир умр уйланимасдан ўтган. Бирок у бу қарорга келгунга қадар Италияда Тереза исмли қиз билан танишганлиги маълум.

Ақсига олиб Терезанинг тутканок касали борлиги ошқор бўлиб қолади. Аникроғи, унинг кўз олдига қизнинг хасталиги кўзғалиб йиқилиб тушади. Шу манзара файласуфнинг уйланишлари ҳақида катъий фикрга келишига сабаб бўлади.

Англияда сўнгги икки йил ичида бўйдоқлар сони 21 фоизга ўсди. "Таймс" газетасининг ёзишича, 2000 йилнинг сўнггида бу кўрсаткич 3,3 миллионга етган.

Мутахассислар бунинг сабабини эркакларнинг турмуш тарзи йилдан-йилга яхшилашни боришида, дейишмоқда. Англиканишича, кўпгина эркакларнинг ошқонасини ҳамда идиш-товуқларни хизматчи аёллар тозалашаркан. Уй ишидан озод бўлган бўйдоқлар ва сўққабаш эркакларнинг спорт залларида машқ қилиб, соғлиқларини мустаҳкамлашдан бошқа ташвишлари қолмас экан.

Кидирбой ТўЛАБОВ тайёрлади.

Қузақ яқунлини, қиш эшик қокди. Жумабозорлик Жалил новвойнинг ишлари юришми қолди. Бир-икки марта ёққан шалаббо сумбула ёмғирни тагин да ахволни оғирлаштирди. Ун олиб келиш учун туман марказига бориб-келиш кўй тойғолдоқда кимга ҳам ёқарди?! Бу ёғи Шоди гараннинг тегиримини ишламай қўйди. Хали электр йўқ, хали тегиримон тешиги тилла туришига тўғри келиши. Жалилнинг оиласида эса ахвол оғир.

Жумакул чол гарчи кўпни кўрган, оқибатли одамлардан саналса-да, Жалилни ўзича яниб қуяр, ўғлини хар доим танбалликда айбларди.

-Энди нима қилмоқчисан, - деди у ўғлига. - Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган машойиҳлар, бўёғи болаларнинг бор. - Чолинг нуруйни чехраси бироз тундашди, томоғига нимадир тикилгандай бўлди: - Менинг ҳам... тўридан гўрим ақин, болан. Улик деганлари ҳам, қора ерга ўзидан ўзи қиравермайди, бунинг билсан.

Онадан эрта қолиб, ота меҳри билан катта бўлган Жалил учун отанинг гаплари қонун тусига кирган, илло, вазият тақозоси ҳам уни шунга мажбур этарди.

...Кенг, чорчиди унинг эшиги "ғий" этиб очилди-ю, эшик ортдан Жалил новвойи кўринди. Санобар хали ухламаган, болаларни ухлатган бўлса-да, эрини қутиб, мижага қоқмай ўтирарди.

-Келардингиз! - деди у эрига. - Намунча кеч. Битта-иккитаси ушлаб қолдимми?!

-Учир!!! Заҳрингни сочаверма! - деди Жалил хорғин алфозда хотинига қараркан. - Овқатинг бўлса, опке. -Овқат?! Сиз, бошқа эркакларга ўқшаб ўйни мўлдиртириб қўйганимизки, қора чой, кўк чой қилиб, уйда ётсангиз. Мен ҳам, ош, чучварани қийиб қўядиғанларданман...

Жалил тегиримончи газабдан қўқарди, бузарди. Бармоқлари мушта тугилди. Аммо, қайси бир йили қайнотаси Эшмурод таҳажнинг: " Жалил-кул болам, Санобаримни сенга қул-

ЭЛ УДУМИДАГИ УЙҒУНЛИК

(Боши 1-бетда)

Яна бир мўҳит борки, усиз киши ҳаётини тасаввур этиши қийин. Яъни, бу мактаб, институт, ишона ва маҳалларда. Жамоат ташкилотлари ўртасида кейинги пайтда маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаолияти анча жонлиб қолганлиги эътиборга сазовор. Унинг яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда олиб бораётган тадбирлари яхши самара бераётди. Оилалар, хотин-қизлар билан яқнама-яқна суҳбатлардан ташқари улар уюштираётган "Қайнонам - онам", "Ибратли келин" сингари кўрик-танловлар миллий кадрятлар тантанасини таъминлашда мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Фориш туманидаги "Кўҳна бозор" маҳалласида яшовчи Самар мома Умрзоқова яқинда ўзининг муборак 110 ўшини қаршилади. Тантана шўнчалик файзли, тароватли ўтдики, уни эндиликда бутун қишлоқдошлар, айниқса,

хотин-қизлар бир умр эслаб юрсалар, ажаб эмас. Чўнки онахон келинлар ва қиз-жувонлардан иборат меҳмонларга ўзининг оғир дамларда кенган болалик, ёшлик даврлари, миллий кадрятларни эъзозлаб яшаганлиги боис қайнонаси, овсинлари ўртасида аҳил тоғланлиги, оила тилсимси, уни ахир, иноқ гўшага айлантиришини муқаддас билган кам бўлмаслиги ҳақида тўққинлиб гапириб берди.

Тўғри, айрим қизларимиз асрлар давомидида яшаб келаётган эгу урф-одатларимизга бепарво бўлиб, ҳатто оддийгина салом беришни қанда қилишаётгани ҳам сир эмас. Баъзилар миллий матоларимиз - атлас, дўхоба, банорас, бекасам, шойилардан тикилган либослар, умуман, ўзбекона кийинишни ектирмай қолганликлари-да ачинарли ҳолат.

Миллий байрамлар, анъаналаримиз-

даги миллий рух, тарбиявий аҳамият ҳам кишини лол қолдиради. Наврўз арафасида сумалак пишириш ҳаёрида мо-солар ижросидаги қўшиқ ва лапарлар, ибратомуз мақол ва маталлар ҳам фақат эзгу мақсадга йўғрилган.

-Меҳнат кишини тарбиялайди, ёшартиради, қолаверса элга қўшади. - дейди баҳмаллик Тўлғаноғ мома. - Болалигимдан ишга кўнгли боғладим. Шу пайтгача неки иззатга эришганим меҳнат туфайли. Ҳозир ҳам ишдан бўйин товлamayман. Шу одатим фарзандларим, келин ва қизларим, невараларимга ҳам қўшди. Улар хунарлари орқали обрў қозонишапти. Меҳнатқаш, ҳалол ва ширинсўз одамни обрўнинг ўзи излаб топади. Шундай экан, қизларимизнинг кекса авлоддан ўтиб келаётган урф-одат, касб-корларни кўн билан ўрганишига ни яхши-да.

Х.ШУКУРОВ

ИМТИЁЗ

Фарғона шаҳри марказида "Кардио-мед" хусусий шифохонаси иш бошлади. Юрак, қон-томир касалликларини дароғашга ихтисослашган бу саломатлик даргоҳида қишлоқлардан келган беморларга имтиёзли, яъни арзонлаштирилган тарзда хизмат кўрсатишмоқда.

САМАРА АСОСИ

"Қувасойемент" хиссасдорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугунги кунда қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Сабаби - маҳсулотлар сифати юқори. Бунда аилбатта жамият ихтирочи ва рационализаторларининг улуши катта. Утган қиска вақт ичда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, технологияларни тақомиллаштириш юзасидан 177 тақлиф қўлганилиб, бундан 275 миллион сўмга яқин икклисий самара кўрилди.

САМАРА АСОСИ

Бунда аилбатта жамият ихтирочи ва рационализаторларининг улуши катта. Утган қиска вақт ичда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, технологияларни тақомиллаштириш юзасидан 177 тақлиф қўлганилиб, бундан 275 миллион сўмга яқин икклисий самара кўрилди.



Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

КИСКА САТРАЛДАРДА

МУРУВВАТ

Қува туманидаги "Оқ олтин" фермер хўжалиги бошлиғи Ҳикматилло Ҳажимов кам таъминланган оилаларнинг 24 нафар болаларига ҳатна тўйи қилиб берди.

Бундан ташқари, хар бир тўйбола номига банкда 5 минг сўмдан пул қўйилган омонат дастхона очди.

ИЖОД НАМОЙИШИ

Чеҳида Учқўприк туманилик расом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турсунали Аҳмадалиевнинг қишлоқ одамлари ҳақидан чиқилган суратлари кўргазмаси муваффақиятли намойиш этилганди. Яқинда у виллоят ўлкашунослик музейида ҳам кўргазма ташкил этди.

Х.ЖўРАБОВ



Компьютер деганлари зўр экан.

"МЕРСЕДЕС"НИНГ ЯНГИ ТУРИ

2004 йилнинг охирига қадар, жаҳон автомобиль бозорларида янги "Mercedes GST" русумидаги машина сотувага чиқарилади.

"DAIMLERCHRYSLER" компаниясининг мазкур режаси



2004 йилнинг охирига қадар, жаҳон автомобиль бозорларида янги "Mercedes GST" русумидаги машина сотувага чиқарилади.

амалга ошса, бу автомобиль ишқибозлари учун яна бир янгилик бўлади. Америка Қўшма Штатларининг Алабама штатида мазкур автомобилни ишлаб чиқаришни

БИЛАСИЗМИ?

йўлга қўйиш учун 600 миллион долларлик иш бажарилди. Янги автомобиль олти кишига мўлжалланган бўлиб, фургон типиди. Унинг юқори қисми тўлиқ ойнали қилиб ишланган, кўриниши хар қандай харидорни ўзига тортади. Эшиклар ноодатий ҳолда ўрта қисмдан очилади. "Mercedes GST"нинг салониди яратилган шароит ҳам юқори даражада. Кенг ва шинам қилиб ишланган салонда, йўловчиларнинг узоқ масофагача хардик чиқариб кетишлари учун DVD player, видео ўйинлари ҳам ўрнатилган.

Шавкат ОРТИКОВ тайёрлади.

ОҚИБАТ

жалқаш одам бўлса-да, пича одамгарчилиги ҳам йўқ эмасди...

Орадан бир-икки ой ўтиб: " Жалил тегиримончи, бор-будини сотиб, Кореяга кетаётганимиз, у ёқда фарон доллар берармиш", деган гап тарқаб қолди. Кимдир ишонди, кимдир эса йўқ. Олдинга эрининг у ёқдан-бу ёққа йўғралаб қолганига Санобар эътиборсиз муносабатда бўлса-да, азбаройи эр-хотинлиқ ришталари улрни боғлаб тургани боис, Жалил тегиримончини холи-жонига қўймай бошлади.

-Корея кетаман дегётганимизсизми? - деди у эрининг бепарво овқат қавшшидан жажли чиқиб.

-Ха, - Жалил тегиримон ўз "иши"да бемалол давом этаверди.